

ISSN 2181-6883

# PEDAGOGIK MAHORAT

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**MAXSUS SON (2021-yil, MAY)**

**Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan**

**Buxoro – 2021**

**Анвар САТТООВ**

Бухоро давлат университети доценти,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**А. РУСТАМОВ**

Бухоро давлат университети магистранти

## **ЎЗБЕКИСТОНДА УЧ БОСҚИЧЛИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА**

*Ушбу мақолада Ўзбекистонда уч босқичли спорт мусобақаларини ташкил этиш ижтимоий-педагогик зарурият, давлат таълим сиёсати даражасида кўтарилганлиги ва бу муаммони ечиш имкониятлари очиқ берилган. Шунингдек, мақолада уч босқичли спорт мусобақалари орқали захира спортчиларни шакллантириш ҳамда Осиё ва жаҳон миқёсида ўзбек спортчиларини мусобақаларда қатнашиш имкониятларини кенгайтириш, уч босқичли спорт мусобақалари ҳамда катта спорт орасидаги узвийликни сақлаб қолиш ва алоқадорлик ёритилган. Мақолада ўқувчилар ва спортчилар учун муҳим бўлган принциплар таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *универсиада, баркамол авлод, умид ниҳоллари, кадр, таълим тизими, жисмоний тарбия, жисмоний маданият, эстетик тарбия, шахс, мезон, принцип, ижтимоий етуклик, маънавиятлилик, менталитет.*

*В данной статье раскрывается социально-педагогическая необходимость организации трехступенчатых спортивных соревнований в Узбекистане, повышение уровня государственной образовательной политики и возможности решения этой проблемы. В статье также рассматриваются вопросы формирования резервных спортсменов посредством трехэтапных спортивных соревнований и расширения возможностей узбекских спортсменов участвовать в азиатских и мировых соревнованиях, сохранения преемственности и взаимодействия между трехэтапными спортивными соревнованиями и большим спортом. В статье были проанализированы принципы, которые важны как для студентов, так и для спортсменов.*

**Ключевые слова:** *универсиада, гармоничное поколение, ростки надежды, кадр, система образования, физкультура, физическая культура, эстетическое воспитание, личность, критерий, принцип, социальная зрелость, духовность, менталитет.*

*This article describes the socio-pedagogical necessity of the organization of three-stage sports competitions in Uzbekistan, the rise in the level of State Educational Policy and the opportunities for solving this problem. The article also covers the formation of reserve athletes through three-stage sports competitions, the expansion of opportunities of Uzbek athletes to participate in competitions in Asia and the world, the preservation and linkage between three-stage sports competitions and large sports. The article analyzes the printouts that are important for readers and athletes.*

**Keywords:** *sisiada, harmonious generation, seed of hope, cadre, education system, Physical Education, Physical Culture, aesthetic education, personality, criterion, printsip, social maturity, spirituality, mentalitet.*

**Кириш.** Бугунги кунда республикамізда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга ошириляётган тизимли чора-тадбирлар натижасида спорт мактаблари ва таълим муассасаларининг моддий-техник баъзаси, ҳуқуқий-меъёрий, методик таъминоти босқичма-босқич мустақамланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида - болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғуллантириш мақсадида янги болалар спорти объектларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш; жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби йўналишлар белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида мазкур жараёни тадқиқ этишда ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтиришнинг тарихий тараққиёт йўли ҳамда замонавий тенденцияларини аниқлаш, жаҳон тажрибалари асосида спорт мусобақаларининг маънавий тарбия қуроли, муайян халқ ва давлатни таништириш, ютуқларини тарғиб қилиш воситаси сифатида тадқиқ этиш, “Уч босқичли спорт мусобақалари” мазмунини бойитиш асосида ўқувчи-талабаларни узлуксиз ривожлантириш мезонлари, принципларини аниқлаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

**Асосий қисм.** Баркамолликка эришишда спорт мусобақалари муҳим ўрин эгаллайди. Спорт билан шуғулланиш жараёнида инсон жисмидаги ҳорғинлик пасайиб, турли касалликларга қарши қурашувчанлик ортади. Шахс ўзида бир қатор сифатлар: хушмуомалалик, беғаразлиқ, холислик,

одиллик, бардошлилик, барқарорлик, ҳақгўйлик, виждонлилик, ҳамдардлик, ақлнинг ёркинлиги, кўркмаслик, жасурлик, инсонни ҳайратда қолдирувчи лаёқатлилик, ҳар бир шахснинг ўзига хос бўлган хис-туйғуларини таркиб топтиради. Бу ўзбек халқининг миллий менталитетига асосланган мақбул ҳаркатланиш тартиби, чиниқиш, тўғри овқатланиш, қулай ҳаёт тартибига амал қилиш, касалликлар ва салбий одатлардан воз кечишдан иборат бўлиб, буларнинг барчаси инсоннинг жисмоний, руҳий, маънавий, ижтимоий муваффақиятини таъминлайди. Бундай кишилар атроф-муҳит билан фаол мулоқотга киришиб, узоқ йиллик ижтимоий фаолият тажрибасини эгаллашга муваффақ бўладилар.

Ўқувчи ва талаба-ёшлар соғлом турмуш тарзини эгаллашлари натижасида қуйидаги сифатларни ўзлаштирадилар:

- ижтимоий етуклик;
- маънавийатлилик – етук шахс сифатида юқори даражадаги ривожланиш ва ўз-ўзини бошқариш имкониятига эгалик;
- ўз ҳаётий фаолиятида умуминсоний миллий қадриятларга амал қилиш;
- исломий ахлоқ меъёрларига асосланиш;
- раҳмдиллик ва ҳаққонийлик асосида воқеликка ёндашиш;
- ёвузликка қарши тура олиш;
- катъиятлилик;
- ихтиёрий ҳаракатларни мувофиқлаштира олиш;
- мустаҳкам маънавий кўникмаларга эга бўлиш;
- мустақил давлатнинг фуқароси сифатида жасорат кўрсатиш, аниқ фуқаролик позициясига эга бўлиш;
- қаҳрамонлик кўрсата олиш;
- ғоявий соғлом дунёқарашга эга бўлиш;
- маънавий қадриятларни эгаллаш;
- ҳаётдан маъно излаш;
- ичкиликбозлик, кашандачилик, гиёҳвандликка қарши тура олиш;
- ахлоқий меъёрлар, диний қадриятларга ижобий муносабатда бўлиш;
- танлов эркинлигига эга бўлиш;
- хушчақчақликка асосланган кайфиятнинг вужудга келиши натижасида ривожланаётган шахс жисмида уйғунлашиш ва қувонч ҳиссининг вужудга келишини таъминлаш;
- ҳаётий фаолиятида барқарорликни таъминлаш;
- юрак ишини бир маромга тушириш;
- ўқувчиларнинг гендер етуқлигини таъминлаш ва жадаллаштириш;
- жинсий ҳамда ижтимоий етукликни ўзаро мувофиқлаштириш;
- оммавий маданият хуружларига қарши кураша олиш кабилар.

Соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўникмасини шакллантириш учун ўқувчи ва талаба-ёшларнинг онгини йўналтириш муҳим аҳмиятга эга. Бу жараёнда уларнинг нафақат жисмоний, балки маънавий ҳолатларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Спорт мусобақаларига ўқувчилар ва талабаларни махсус тайёрлаш спорт машғулотлари жараёнида амалга оширилади. Жумладан, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” спорт мусобақалари ва “Универсиада”ларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида машғулотлар ва мусобақалар бир неча босқичда ташкил этилади ва ўтказилади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ва талаба-ёшларга ижтимоий ривожланиш имконини берадиган ҳодиса сифатида “Уч босқичли спорт мусобақалари” Ўзбекистон жамияти маданиятининг таркибий қисмига айланмоқда. Шунинг учун ҳам “Уч босқичли спорт мусобақалари” муайян ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолда турлича характер ва шаклларга эга.

Спорт мусобақаларининг самарадорлиги инсоннинг жисмоний, маънавий-ахлоқий, интеллектуал такомиллашувида намоён бўлади. Спорт мусобақалари самарадорлигини таъминлаш мусобақалар асосида амалга оширилади.

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда спорт ҳаракатлари оммавий спорт тажрибасини қамраб олади. Бу ўринда “Уч босқичли спорт мусобақалари” алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги аксарият ўқувчи-ёшлар ва спортсевар қатлам вакиллари спорт билан шуғулланиш орқали ўз саломатликларини мустаҳкамлаб, одамлар билан мулоқотдан қувонч, эстетик завқ-шавқ ҳиссини туядилар, ақлий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожланадилар ва касбий салоҳиятларини оширадилар. Шу орқали эса ўз жисмоний, интеллектуал имкониятларини кенгайтирадилар. Бундай кишилар ўз имкониятлари доирасида спорт билан шуғулланиш орқали ишчанлик лаёқатларини оширишга муваффақ бўладилар.

**Муҳокамалар ва натижалар.** Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади эса ўқувчи ва талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланишларини таъминлаб, ҳаракатларини фаоллаштиришга йўналтирилган. Бу жараёнда улар ҳар томонлама такомиллашиш ва уйғун тарзда маънавий-ахлоқий

ривожланиш имкониятига эга бўладилар. Бунинг натижасида ижтимоий фаол шахс шаклланади. Худди шу асосда Ўзбекистон жамиятининг ҳар бир аъзоси меҳнат ва фаолиятнинг бошқа турлари билан фаол шуғулланиш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия жараёнида комплекс характердаги аниқ вазифалар ечилади. Бу вазифалар хусусий ҳамда педагогик характерга эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Уч босқичли спорт мусобақалари ёрдамида ўқувчи ва талаба-ёшларни ахлоқий тарбиялаш методлари ҳам ўзига хосдир. Улар сирасига:

- спорт ўйинлари жараёнида мавжуд анъаналарни давом эттириш, хулқ-атворнинг ўрнатилган меъёрларига амал қилиш зарурлигига нисбатан ишончнинг мавжудлиги;
- муайян спорт ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида ўз рақиб билан дўстона суҳбатлашиш; эстетик мавзуларда баҳс-мунозаралар уюштириш; мураббийлар томонидан спортчиларга намунали ўрнак кўрсатиш;
- амалий кўникма ҳосил қилиш; мазкур методнинг моҳияти шундаки, мунтазам, қатъий машқ қилиш, машғулотлар жараёнида маданий хулқ-атвор меъёрлари, спорт қоидалари, тартиблари, анаъналарига қатъий амал қилиш; спорт меъёрларини қатъий ўзлаштириш; аҳамиятли ва узоқ муддатли зўриқишларни камайтириш, мусобақалардаги юктамаларга қўйиладиган талабларни бажариш;
- рағбатлантириш: эътироф этиш, мақташ, миннатдорчилик билдириш, мукофотлаш кабилар;
- спорт мураббийлари ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг вазифаларини муайян спортчи томонидан бажарилишига ишонч билдириш, мусобақаларнинг якуний натижаларини ҳисобга олиш асосида жамоага рағбатлантирувчи очколар бериш;
- нотўғри хатти-ҳаракатларни амалга оширганлиги учун спортчини жазолаш; жумладан, танбех бериш, огоҳлантириш, спорт жамоаси йиғилишида муҳокама қилиш, вақтинчалик жамоалик таркибидан четлаштириш кабилар қиради.

**Хулоса** қилиб айтадиган бўлсак мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбия орқали ёш авлодни узлуксиз ривожлантириш соҳасида етарлича меъёрий-ҳуқуқий асос вужудга келтирилиб, жуда катта миқдордаги давлат маблағлари мазкур мақсадга йўналтирилди. Спорт ва жисмоний тарбия ёрдамида маънавий соғлом ёшлар маданий, фаол ҳаёт тарзига эга бўлмоқдалар. Инсоннинг муваффақиятлари, бахти, жамиятда инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда фаолият кўрсатиши, тadbиркорлиги кўп жиҳатдан унинг саломатлиги ва маънавий тараққиётига боғлиқ. Бундай маънавий юксакликка эришиш имкониятига эга бўлган ҳаёт тарзини вужудга келтиришга аждодларимиз алоҳида эътибор қаратганлар. Спорт ёрдамида ўқувчи ва талаба-ёшларнинг рухий, жисмоний, ижтимоий, маънавий қувватлари уйғунлашади ва ривожланади. Ижтимоий фойдали фаолиятнинг турли кўринишлари, оила, меҳнат, Ватан ҳимояси, шахснинг жисмоний, маънавий, ижтимоий муваффақиятлари унинг фаоллик кўрсатиши натижасида таъминланади.

Инсоннинг ақл-идроки ва жисми синовлар ва қийинчиликларда тобланади. Спорт, биринчи навбатда, ҳар бир ўқувчи ва талаба-ёшнинг иродасини мустаҳкамлайди, уни чиниктиради ва бардошлилик сифатларини таркиб топтиради. Унда ижобий сифатларни шакллантиради, турли миллатлар ва минтақаларнинг халқлари билан самарали мулоқот ўрнатиш сари йўллайди. Шу билан бир қаторда, спорт ва жисмоний тарбия муайян миллат ва давлатни жаҳонга танитади, унинг халқаро обрў-эътиборини оширади. Мустақиллик йилларида давлатимизнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги оқилона сиёсати натижасида жаҳонда тенгсиз бўлган “Уч босқичли спорт мусобақалари”ни ташкил этиш ва ўтказиш тажрибаси шакллантирилди. Мазкур сиёсатнинг самараси сифатида ўзбек спортчилари жаҳон миқёсидаги мусобақалар ҳамда олимпиа ўйинларида ўз имкониятларини намоён қилишга муваффақ бўлдилар.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-394-сон Қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4749-сонли Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”да ПФ-5368-сонли Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Усманхаджаев Т.С. Болалар ва ўсмирлар спорти. - Т., 2006. -103 с.
5. Ибрахимов С.У. Узлуксиз таълим тизимида “Уч босқичли спорт мусобақалари” ёрдамида ўқувчи-талабаларни комплекс ривожлантириш параметрларини кенгайтириш механизмлари. Дисс.афтореферати. Нукус-2019.

МУНДАРИЖА

Обиджон Хамидов. Демократик тараққитнинг инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш асоси .....	5
Баҳодир МАЪМУРОВ. Акмеологик ёндашув тизимида ўқув машғулотларини лойиҳалаш .....	9
Alisher IBRAGIMOV. Harakatli o‘yinlarga qo‘yiladigan pedagogik talablar .....	12
Mehridin ABDULLAYEV, Obid BERDIYEV. Jismoniy madaniyat va sport fanini o‘qitishdagi ilg‘or xorijiy tajribalar .....	14
Mehridin ABDULLAYEV, Zarina TURAYEVA. Turli yoshdagi sportchilarga sog‘lomlashtiruvchi aerobika mashqlariga o‘rgatish uslubi .....	19
Alisher IBRAGIMOV, Feruz MO‘MINOV. Yosh futbolchilar o‘quv mashg‘ulotlarini optimallashtirish metodikasi .....	24
Алишер ИБРАГИМОВ, Фаррух ЭСАНОВ. Боксда машғулотнинг ташкил этилиши ва методикаси асослари .....	29
Алишер ИБРАГИМОВ, Абдулатиф ЛАТИПОВ. Ёш гандболчиларни мусобақаларга бошланғич саралаш мезонларини аниқлаш технологиялари .....	34
Alisher IBRAGIMOV, Shohruh USMONOV. 19-21 yoshli voleybolchilarda sakrovchanlikni rivojlantirish dinamikasi .....	39
Меҳридин АБДУЛЛАЕВ, Зарифа ЖЎРАЕВА. Турли ёшдаги енгил атлетикачиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлиги кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик .....	43
Меҳридин АБДУЛЛАЕВ, Ҳаким ҚУРБОНОВ. Ўсмир енгил атлетикачилар организмига иқлим омилларининг таъсири .....	49
Анвар САТТОРОВ, А. РУСТАМОВ. Ўзбекистонда уч босқичли спорт мусобақаларини ташкил этиш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида .....	54
Komiljon NORBOYEV. Sport maktablariga qabul qilishda sport va xalq harakatli o‘yinlari orqali dastlabki tanlovni o‘tkazish metodikasi .....	57
Бахтиёр ДЎСТОВ, Муроджон РЎЗИМБОЕВ. Мактаб ўқувчиларининг шахсини ривожлантиришда халқ ўйинларининг ўрни .....	61
Baxtiyor DO‘STOV. Jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotlari jarayonida bolalarni harakat faoliyatiga o‘rgatishning metodik usullari .....	64
O‘tkir FARMONOV. Talaba-yoshlar uchun sport va sog‘lomlashtirish basketboli .....	68
Farrux NARZULLAYEV. Qizlar sporti yo‘nalishi bo‘yicha tahsil olayotgan qizlarning yengil atletika darslarida kuch sifatlarini rivojlantirishning pedagogik asoslari .....	71
Абдуҳамид НУРУЛЛАЕВ. Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг чидамлилиқ сифатларини ривожлантиришнинг назарий асослари .....	76
Rustam HASANOV. Qisqa masofaga yuguruvchi yengil atletikachilarning jismoniy tayyorgarlik darajasini aniqlash va og‘ir atletika mashqlari orqali kuch sifatini oshirish metodikasi .....	80
Рауф РАХМОНОВ. Ўрта масофаларга югуришда мусобақа олди тайёргарлигининг тузилиши ва асосий жиҳатлари .....	84
Яхши ФАЙЗИЕВ. Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний сифатларни тарбиялаш хусусиятлари .....	89
Muazzam FATULLAYEVA, Alisher USMONOV, Marjona ZUBAYDULLAYEVA. Voleybolchilarda sakrovchanlik sifatini baholash texnologiyasi va uni rivojlantirish metodikasi .....	93
Abdurashid NURULLAYEV, Murodjon RO‘ZIMBOYEV. Jismoniy sifatlarni tarbiyalovchi milliy harakatli o‘yinlar tasnifi va metodikasi .....	97
Shuhrat QURBONOV. Yosh basketbolchilarni jismoniy tayyorlash va uning mohiyati .....	100
Sitorabonu ABDUYEVA. Jismoniy madaniyat sohasida innovatsion metodlarni qo‘llashning psixologik jihatlari .....	103
Sitorabonu ABDUYEVA. Xotin-qizlarning milliy madaniyati va hozirgi davr jismoniy tarbiya va sportning ta‘siri ...	107
Nasiba SABIROVA. Yosh futbol o‘yinchilarning jismoniy sifatlarini rivojlantirishning pedagogik asoslari .....	111
Жонибек ШОХИМОВ. Халқ миллий ўйинлари миллий-маънавий кадриятининг узвий қисми .....	115
Husen NEKOV. The main directions of training young athletes .....	118
Алишер ЮЛДАШЕВ. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиш динамикасига хос хусусиятлар .....	122
Moxira GAFUROVA, Murodjon RO‘ZIMBOYEV. Jismoniy tarbiya va ta‘lim jarayoniga harakatli (milliy) o‘yin vositasining pedagogik ta‘sir xususiyatlari .....	125
Muazzam FATULLAYEVA, Marjona ZUBAYDULLAYEVA. Voleybol mashg‘ulotlarini o‘rgatish bosqichlari va uslublarining pedagogik ahamiyati .....	128
Манучеҳр ИБРАГИМОВ. Юқори малакали футболчи аёлларнинг тайёргарлик даврида машғулот юқламаларини режалаштириш ва асослаш .....	131
Sherzod MANSUROV. Maktab o‘quvchilarida jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotlariga qiziqish va ko‘nikmalarni tarbiyalash .....	136
Мурод ТОШЕВ. Мактаб ўқувчиларининг интеллектуал қобилиятларини шахматни ўқитиш жараёнида ривожлантиришнинг баъзи хусусиятлари (компьютер технологиялари асосида) .....	140
Фарход ФАЗЛИДДИНОВ. Педагогическая технология скоростно- силовой подготовки юных футболистов ...	142
Шухрат ХИДОЯТОВ. Соғлом турмуш тарзи параметрлари ва ижтимоий адаптацияни боғлиқлиги .....	149